

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА ★ LAWYER HERALD

ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОҢ, 2 ЖИЛД

---

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 2

---

## LAWYER HERALD

VOLUME 2, ISSUE 1



TOSHKENT - 2021

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ  
ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

- 1. ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович**  
“ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА” ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ.....9
- 2. ТУРАЕВ Акмал Панжиевич**  
ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ.....19
- КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ  
ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ**
- 3. ЗУЛФИҚОРОВ Шерзод Хуррамович**  
ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДЕПУТАТЛАР  
ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ.....28
- 4. ҲАМРОЕВ Элдор Отамуродович**  
“ДАВЛАТ ПОЙТАХТИ” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
БЕЛГИЛАРИ.....40
- 5. НОРМУХАМЕДОВА Сурайёхон Бобир қизи**  
К ВОПРОСУ О ПРИМЕНЕНИИ ПРИНЦИПОВ АДМИНИСТРАТИВНЫХ  
ПРОЦЕДУР В СФЕРЕ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ.....49
- ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА  
ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**
- 6. РАҲМАТОВ Анвар Исламович**  
СПОРТДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ ШАРТНОМАВИЙ ТАРТИБГА  
СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....63
- 7. ТОШБОЕВА Робия Собировна**  
РЕФОРМИРОВАНИЕ ПРИРОДНОРЕСУРСОВОЙ КАДАСТРОВОЙ  
СИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА: СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ И ПУТИ  
ИХ ПРАВОВОЙ РЕГЛАМЕНТАЦИИ.....74
- 8. МУКУМОВ Бобур Мелибой уғли**  
ПРОБЛЕМЫ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИЗЪЯТИЯ  
ЗЕМЕЛЬНЫХ УЧАСТКОВ ДЛЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ И  
ОБЩЕСТВЕННЫХ НУЖД В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....86
- 9. МАДУМАРОВ Талантбек Толибжонович**  
МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА  
ТУГАТИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ.....98

- 10. ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна**  
ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА.....120

**МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ**

- 11. МУСАЕВ Бекзод Турсунбоевич**  
МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ВА БАНДЛИК СОҲАСИДА ХУСУСИЙ  
БАНДЛИК АГЕНТЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ  
ТАЖРИБАСИ..... 119

- 12. МАРИПОВА Севархон Арибжановна**  
МЕҲНАТ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА МЕДИАЦИЯ  
ИНСТИТУТИНИНГ АҲАМИЯТИ (НАЗАРИЯ ВА  
АМАЛИЁТ).....132

- 13. ҚУЧҚАРОВ Хамидулло Абдурасулович**  
МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ СУДГАЧА ВА СУД ТАРТИБИДА КЎРИБ  
ЧИҚИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....140

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ  
ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

- 14. ОТАЖОНОВ Аброржон Анварович,**  
**КУШБАКОВ Дилшод Мусурмонкулович**  
МАСТЛИК ҲОЛАТИДА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИНГ  
ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ  
ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....151

- 15. АЛЛАНОВА Азизахон Авазхоновна**  
ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИШ ЁКИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИГА КИРИШ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК:  
МУАММО ВА ТАКЛИФ.....166

- 16. АЧИЛОВ Алишер Темирович**  
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ  
ФАОЛИЯТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....175

- 17. НУРМУҲАММЕДОВА Гўзалхон Баходировна**  
КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: УСУЛЛАРИ ВА  
ЙЎНАЛИШЛАРИ.....189

**18. АЗИМОВ Тохир Саидович**  
«ЖАМОАТ ТАРТИБИ» ВА «ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ»  
ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎЗARO ФАРҚЛАНИШИ ҲАМДА  
БОҒЛИҚЛИГИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ.....202

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-  
КИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

**19. ЮГАЙ Людмила Юрьевна,**  
**ГАДЖИЕВ Хагани Моҳуббат оглы**  
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ ДОКАЗЫВАНИИ  
ФАКТА РАСПРОСТРАНЕНИЯ ЛОЖНОЙ ИНФОРМАЦИИ В  
ИНТЕРНЕТЕ.....208

**20. ХАЛИЛОВ АКРАМ УТАМУРАДОВИЧ**  
СУД ЭКСПЕРТИЗА ЛАБОРАТОРИЯЛАРИНИНГ АККРЕДИТАЦИЯСИ -  
СУД ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ.....219

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

**21. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна**  
ПРАВОВОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ДОСТУПА К ПЕЧАТНОЙ ИНФОРМАЦИИ  
У ЛИЦ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ В УЗБЕКИСТАНЕ.....229

**22. ВАЛИЖОНОВ Далер Дилшодович**  
ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО – ПРАВОВЫХ ОСНОВ  
СОТРУДНИЧЕСТВА ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ В БОРЬБЕ С  
ПРЕСТУПНОСТЬЮ.....238

**ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**23. ЮЛДАШОВ Абдумумин**  
ГЕОГРАФИК КЎРСАТКИЧ ТУШУНЧАСИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ  
МУСТАҲКАМЛАШДА УНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....249

**24. МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна**  
ОБ ОПЫТЕ ПРАКТИЧЕСКОГО ПРИМЕНЕНИЯ В ОТНОШЕНИИ  
НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ МЕР ОТВЕДЕНИЯ И ТЕХНОЛОГИЙ  
ВОССТАНОВИТЕЛЬНОГО ПРАВОСУДИЯ В ЗАРУБЕЖНЫХ  
СТРАНАХ И УЗБЕКИСТАНЕ.....258

**25. ЯКУБОВА Ирода Бахромовна, ЯКУБОВ Ойбек**  
ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН  
ҲАМДА ЧЕТ ЭЛ МАМЛАКАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА  
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.....268

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

**ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази  
директорининг ўқув-услубий ва илмий ишлар бўйича  
биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

E-mail: [abror\\_otajonov@mail.ru](mailto:abror_otajonov@mail.ru)

**КУШБАКОВ Дилшод Мусурмонкулович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси «Маъмурий  
ҳуқуқ» кафедраси катта ўқитувчиси, мустақил изланувчи

E-mail: [d\\_kushbakov@inbox.uz](mailto:d_kushbakov@inbox.uz)

## МАСТЛИК ҲОЛАТИДА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):**  
ОТАЖОНОВ А.А. КУШБАКОВ Д.М. МАСТЛИК ҲОЛАТИДА ЖИНОЯТ  
СОДИР ЭТГАН ШАХСНИНГ ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА УНГА  
ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста –  
Lawyer herald. № 1 (2021), Б. 151-165.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-14>

## АННОТАЦИЯ

Мақолада мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масалалари таҳлил қилинган. «Мастлик ҳолати» тушунчаси ва ушбу норма мазмуни билан боғлиқ бошқа ҳолатларни аниқлаштиришга доир изланувчиларнинг фикр-мулоҳазалари, статистик маълумотлар ҳамда мастлик ҳолатида жиноятлар содир этилишининг суд амалиёти ўрганилган. Натижада, мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахсларнинг жиноий жавобгарлиги ва унга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш ҳамда мазкур турдаги жиноятларга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида «мастлик ҳолатида жиноят содир этиш» ҳолатини алоҳида жиноят таркиблари бўйича қилмишни оғирлаштирувчи таркиби сифатида кўзда тутиш нуқтаи назаридан кенгайтириш масалалари таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** мастлик ҳолатида жиноят содир этиш, жиноят ҳуқуқида мастлик, оғирлаштирувчи ҳолат, алкоголь маҳсулотлар, рухий ҳолат, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар.

---

### ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович

Первый заместитель директора по учебно-методической и научной работе Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан,  
доктор юридических наук, профессор  
E-mail: [abror\\_otajonov@mail.ru](mailto:abror_otajonov@mail.ru)

### КУШБАКОВ Дилшод Мусурмонкулович

Старший преподаватель кафедры административного права Академии МВД Республики Узбекистан,  
самостоятельный соискатель  
E-mail: d\_ [kushbakov@inbox.uz](mailto:kushbakov@inbox.uz)

## УГОЛОВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЛИЦ, СОВЕРШИВШИХ ПРЕСТУПЛЕНИЕ В СОСТОЯНИИ ОПЬЯНЕНИЯ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УГОЛОВНО-ПРАВОВЫХ МЕР ПО ИХ ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются особенности привлечения к уголовной ответственности лиц, совершивших преступление в состоянии опьянения. Проведен анализ доктринальных источников, позволивших установить определение понятия «состояние опьянения», изучена

статистика, а также судебная практика совершения преступлений в состоянии опьянения. В результате предлагается совершенствование уголовно-правовых мер борьбы с противодействием преступлений в состоянии опьянения, а также выработана предложение расширения круга состава, где состояние опьянения являлось бы квалифицирующим признаком.

**Ключевые слова:** совершение преступления в состоянии опьянения, опьянение в уголовном праве, отягчающие обстоятельства, алкогольные продукты, состояние психики, наркотические вещества, психотропные средства.

### **OTAJONOV Abrorjon**

First Deputy Director of the educational, methodological and scientific affairs of the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences, professor

E-mail: [abror\\_otajonov@mail.ru](mailto:abror_otajonov@mail.ru)

### **KUSHBAKOV Dilshod**

Independent researcher, Senior teacher of the Department of “Administrative law” of the Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan

E-mail: [d\\_kushbakov@inbox.uz](mailto:d_kushbakov@inbox.uz)

## **CRIMINAL RESPONSIBILITY OF PERSONS COMMITTING A CRIME IN A STATE OF DRINKING AND IMPROVING CRIMINAL LEGAL MEASURES AGAINST THEM**

### **ANNOTATION**

The article discusses the features of bringing to criminal responsibility of persons who have committed a crime while intoxicated. The analysis of doctrinal sources, which allowed establishing the definition of the concept of «intoxication», studied the statistics, as well as the judicial practice of committing crimes while intoxicated. As a result, it was proposed to expand the range of compositions in which the state of intoxication would be a qualifying attribute.

**Keywords:** commission of a crime while intoxicated, intoxication in criminal law, aggravating factor, aggravating circumstances, alcoholic products, state of mind, narcotic substances, psychotropic drugs.

Айтиш керакки, мастлик ҳолатида жиноят содир этишнинг жиноят-ҳуқуқий хусусияти назария ва амалиётда баҳс-мунозараларга сабаб бўлувчи масалалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам мастлик ҳолатини жавобгарликнинг дифференция қилинувчи белгиси сифатида баҳолаш муаммоси муҳим амалий аҳамият касб этади.

Статистик маълумотларига кўра, 2020 йилда мамлакатимизда умумий жиноятчилик улушининг 3,1 фоизи мастлик ҳолатида содир этилган жиноят сифатида рўйхатга олинган. Мастлик ҳолатида содир этилган жиноятларнинг 35 фоизи қасддан одам ўлдириш (ёки қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш), 45 фоизи баданга турли даражадаги шикаст етказиш, 57 фоизи транспорт воситалари ҳаракати ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларни ташкил этган. Албатта, бу ҳолат муҳим криминоген аҳамиятга эга ҳисобланади. Негаки, алкоголь ёки гиёҳванд моддаларини истеъмол қилиш шахс руҳиятини кўзгалувчан ва тажовузкорлик ҳолатига олиб боради, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини танқид қилишнинг заифлашиши билан боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, мастлик ҳолати шахснинг ақлий ва жисмоний фаоллигини оширади, диққатни жамлашни қийинлаштиради ва инстинктларни сусайтиради. Шу маънода айтиш мумкинки, жиноят содир этиш вақтида мастлик ҳолати ўзига хос катализатор вазифасини ўтайди, шахснинг ижтимоий хавфли қилмишни амалга оширишга бўлган интилишини кўзғатади. Айни пайтда бундай ҳолатлар жиноят содир этган шахснинг руҳий ўзгаришлари туфайли ташқи омилларга нисбатан бўлган ижтимоий хавфини оширади. Бу эса, жиноят содир этилишида шахснинг мастлик ҳолатини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида тан олиш, бизнингча, адолатли ҳисобланади. Шу сабабли, амалдаги Жиноят кодексига (ЖК 56-м. «о» б.) мастлик ҳолатида жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган. Қолаверса, Жиноят кодексининг 19-моддасида мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этган шахслар жавобгарликдан озод қилинмаслиги белгиланган.

Айтиш керакки, тадқиқот натижалари ҳам мастлик ҳолатида содир этилган жиноятлар оқибатларининг оғирлигини ҳамда амалдаги жиноят қонунининг мастлик ҳолатида содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик масалаларини тартибга солувчи нормаларини амалда қўллашда айрим хато ва камчиликлар мавжуд эканлигини кўрсатди. Жумладан, тадқиқот ишида қатнашган респондентларнинг 78 фоизи мастлик ҳолатида содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфилилик даражасини юқори, деб баҳоладилар.

Бундан ташқари, ўрганилган жиноят ишлар материаллари таҳлилига кўра, мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахсларнинг 67,3 фоизи жиноят

содир этиш вақтида ўз хотирасини қисман йўқотган ёки содир этаётган қилмишининг ижтимоий хусусиятларини тўла равишда англамаган ҳолда содир этган. Айни пайтда ҳуқуқни қўллаш амалиётида мастлик ҳолатида содир этилган жиноятлар бўйича фақатгина 9,3 фоизда тегишли равишда суд-психиатрик экспертизаси тайинланган ва қилмишга ушбу хулосалар асосида ҳуқуқий баҳо берилган. Шунингдек, судлар томонидан 32,8 фоиз ҳукмларда мастлик ҳолатида содир этилган жиноятларнинг аниқ сабаблари кўрсатилмаган ҳолда бундай қилмишлар жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланмаган. Бу ҳолатни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин.

Т., К., Б. ва Ж.лар К.нинг хонадонида биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилишади. Спиртли ичимлик истеъмол қилиш жараёнидаги қадаҳ сўзларидан бири бўйича келишмовчилик чиқиши оқибатида Б. ва Ж.лар ўртасида низо келиб чиқади ва у муштлашишга айланади. Шунда маст ҳолатда бўлган Т. ва К.лар Б.га қўшилиб, мушт ва оёқлари билан Ж.нинг боши ва танасининг турли жойларига бир неча бор тегиб, урадилар. Етказилган жароҳатлар натижасида Ж.нинг баданига оғир шикаст етказилади. Мазкур вазиятда мастлик ҳолати суд томонидан жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти ҳамда шахсларнинг ҳолатини инобатга олиб, Жиноят кодексининг 56-моддасига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳоланади [19].

Бошқа бир жиноят иши бўйича Х. маст ҳолатда таниши, бирга яшовчи Н. билан жанжалиб қолади. Жанжал вақтида Н. ошхона пичоғини олиб, маст ҳолатда бўлган Х.ни урмоқчи бўлади, бироқ у зарбани қайтариб, пичоқни олиб қўяди ва ушбу пичоқ билан Н.га бир неча бор арба беради. Натижада етказилган жароҳатлар натижасида Х.га оғир шикаст етказилади. Х.нинг мастлик ҳолати ушбу вазиятда суд томонидан оғирлаштирувчи ҳолат деб топилмайди ва жазо тайинлашда инобатга олинмайди [20].

Шундай қилиб, мастлик ҳолатининг жиноий жавобгарликка таъсирини ҳисобга олиш бўйича суд амалиёти ҳақиқатан ҳам ноаниқ ривожланган, деган хулосага келиш мумкин. Аслида, бу жиноят қонунида муайян бўшлиқ мавжудлигини англатади, чунки баъзи ҳолларда мастлик ҳолати оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қаралади, бошқаларда эса бу ҳисобга олинмайди.

Айнан турдаги масалага турлича ёндошувнинг мавжудлигига, назаримизда, жиноят қонунининг мазкур соҳага тегишли нормаларини ҳуқуқий жиҳатдан мукамал эмаслиги, унда шахсни мастлик ҳолатига олиб келувчи усуллар, мастлик ҳолатининг оқибатларини баҳолаш каби масалаларини назарда тутувчи белгиларини тўлиқ равишда тартибга солинмаганлиги билан

изоҳлаш мумкин. Жумладан, амалдаги жиноят қонунида «мастлик» ёки «мастлик ҳолати» тушунчалари очиб берилмаган, шахснинг ихтиёрига қарши уни мастлик ҳолатига келтирилганлиги оқибатида ёки патологик мастлик ҳолатида содир этилган жиноий қилмишларга ҳуқуқий баҳо бериш масалалари ҳал қилинмаган. Бундан ташқари, мазкур турдаги масалалар юридик адабиётларда ҳам турлича ҳал қилинганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Л.В. Иногамов-Хегай «Алкоголь ёки бошқа нейротроп воситалардан заҳарланиш натижасида келиб чиқадиган ҳамда руҳий, вегетатив ва соматоневрологик бузилишлар мажмуи билан тавсифланадиган ҳолатларни, мастлик ҳолати деб тушунади» [17, Б.158]. Н.Г.Ивановнинг ёзишича эса, мастлик ҳолати, субъектнинг кўзғалиш ва тормозланишнинг дисгармонияга олиб келадиган аномаль ҳолатининг бир тури ҳисобланади [13, Б.224]. Назаримизда келтирилган биринчи фикрда мастлик ҳолатининг мазмуни қисман очиб берилган бўлса-да, бироқ унда шахсни мастлик ҳолатига олиб келган усулларига аҳамият берилмаган ва унинг юридик белгилари тўлиқ изоҳланмаган, иккинчи фикрда эса, шулар билан биргаликда мастлик ҳолатига олиб келувчи воситаларга аниқлик киритилмаган.

Шунингдек, мазкур муаммони ўрганган А.А.Гребеньковнинг қайд қилишича, мастлик ҳолати деганда, шахсда қуйидаги учта белгининг мавжудлиги билан аниқланадиган ҳолат тушунилиши керак: **расмий** (*алкогол ёки бошқа ақл-идрокка таъсир қиладиган воситаларни истеъмол қилиш*), **моддий** (*руҳий ўзгаришнинг мавжудлиги*) ва **сабабий** (*мазкур воситаларни истеъмол қилиш ва организм функцияларининг бузилиши ўртасида сабабий боғлиқликнинг мавжудлиги*) [7, Б.10]. Профессор М.Х.Рустамбаев эса, «Мастлик деганда, нафақат, алкоголь истеъмол қилишдан, балки интеллектуал-иродавий фаолиятга таъсир қилувчи, гиёҳванд, психотроп ва бошқа моддалар қабул қилишдан келиб чиққан ҳолат тушунилади» [14, Б.188], деб ёзади. Назаримизда ушбу фикрларда ҳам мастлик ҳолатини тўлиқ равишда очиб бериш борасида ўзига хос камчиликлар кузатилади. Масалан, биринчи фикрда мастлик ҳолати фақат руҳий ҳолатнинг бузилиши билан чекланган ҳолда очиб берилган, иккинчи фикрда мастлик ҳолатини келтириб чиқарувчи воситалар келтирилса-да, бироқ унда мастлик ҳолатининг инсон организмига таъсир кўрсатувчи жиҳатларига эътибор қаратилмаган.

Мазкур масалада, Е.А.Шищенко ва Ю.А.Самсоненколарнинг қайд қилишича, мастлик – бу ақли расо шахснинг алкоголь, наркотик ёки бошқа ақл-идрокка таъсир қилувчи воситаларни онгли равишда истеъмол қилиши натижасида ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) ижтимоий хавфлилиги ва фактик хусусиятларини тўлиқ даражада англамаслик ёки бошқара олмаслик ҳолатидир [18, Б.5]. Айни ҳолда, ушбу таъриф мастлик ҳолатида бўлган

шахсининг ижтимоий ҳавфи ва унинг моҳиятини очиб беради. Чунончи, фактик равишда у шахсининг бу ҳолати натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатнинг аҳмиятини англамаган ҳолда онгли ва иродавий ҳаракатлари билан била туриб ёки билмасдан ўзини мастлик ҳолатига келтиришини англатади. Бироқ, мазкур таърифда мастликнинг оғирлик даражаларига аниқлик киритилмайди ҳамда унинг тиббий ва юридик мезонлари бўйича чекланган ақли расолик ҳолатига ўхшаш белгилар кўрсатилган бўлиб, бу ўз навбатида мастлик ҳолатини ундан фарқлашда тушунмовчиликларга олиб келади.

Муаммога ушбу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, мастлик ҳолати тушунчасини қонунчиликда ифодаланиши бу борадаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдиради, ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун мастлик ҳолати иборасини тўғри тушуниш ва қўллаш имконини беради, унинг жиноят-ҳуқуқий табиатини очиб беради. Шу сабабли, мазкур тушунчани ёритишда албатта шахсни мастлик ҳолатига олиб келувчи воситалари, усуллари ҳамда оқибатларига эътибор қаратилиши зарурдир.

Бизнингча, мастлик ҳолатига юқорида берилган тушунтиришлар ҳамда тадқиқот натижасида аниқланган мавжуд ҳолатлардан келиб чиқиб, уни қуйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқ, яъни: *жиноят содир этиши вақтида шахсининг алкоголь маҳсулоти, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиши ёки уларнинг таъсири остида ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) тўлиқ даражада англай олиши ва бошқариши қобилиятини йўқотиши, мастлик ҳолати деб топилди*. Демак, бундан келиб чиққан ҳолда мастлик ҳолатига олиб келувчи воситалар албатта алкоголь маҳсулотлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддалар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида» 2011 йил 5 октябрдаги Қонуни 3-моддасига мувофиқ, коньяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулоти, алкоголь маҳсулоти дейилади [2].

Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида» 1999 йил 19 августдаги Қонунининг 3-моддасида эса, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қуйидагича таъриф берилган: гиёҳвандлик (наркотик) воситалари – гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси

бўлган препаратлар ва ўсимликлар; психотроп моддалар – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

Гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари деганда, кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш бўлган, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар тушунилади [1].

Одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар деганда, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ёки прекурсорлар ҳисобланмаган, бироқ кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра, руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар ёхуд инсон ақл-идрокига гангитувчи (карахт қилувчи) таъсир кўрсатадиган маиший ҳаётда, ишлаб чиқариша, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда кенг қўлланиладиган, тобеликни вужудга келтирувчи турли моддалар тушунилади [8, Б. 948], [16, Б. 657].

Шу билан бирга, адабиётларда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг физиологик мастлик ҳолатига ҳуқуқий баҳо бериш ҳақидаги масала, шахснинг ақли расолиги, айбдорлиги ва жиноий жавобгарлик нуқтаи назаридан баҳс-мунозаралари ҳолатлардан ҳисобланади. Мисол учун, баъзи олимлар физиологик мастликнинг маълум бир даражаси ақли норасоликка сабаб бўлиши мумкин [3, Б. 240-241], деб ҳисоблашса, бошқалар эса мазкур ҳолат руҳий аномалия сифатида чекланган ақли расолик доирасида баҳоланиши керак [9, Б. 179]лигини тавсия қилишади. Шунингдек, бу борада яна бошқачароқ ёндашувни А.В. Наумов билдирган. Яъни: «Мастликнинг оддий ҳолати, ҳаттоки, агарда у шахснинг ўз ҳаракатларига баҳо бериш ва уларни бошқара олиш қобилиятини йўқотган тақдирда ҳам ақли норасолик доирасида кўриб чиқилиши мумкин эмас, чунки мазкур ҳолатда шахснинг онги ва иродасини жиддий равишда чеклаш ёки уни издан чиқарувчи даражада руҳий ҳолатнинг бузилишини ифодаловчи тиббий мезонлар мавжуд бўлмайди. Одатда, оддий мастлик (шу билан бирга унинг кўп тарқалган алкоголь мастлик шакли ҳам) алкоголь ва наркотик воситаларини ихтиёрий равишда истеъмол қилиниши натижасида келиб чиқади ва унинг оз миқдори ҳам айбдорнинг ҳулқ-атворини мастлик ҳолати деб топилишига олиб келади» [12, Б. 215].

Бинобарин, физиологик мастлик ҳақида гапирганда, тиббиётда унинг бир нечта турларга бўлинишини таъкидлаш керак. Масалан, Е.А.Таюрская мастлик ҳолатини қуйидаги учта турга ажратади, яъни: улардан *биринчиси*, алкоголь эйфорияси бўлиб, у оз миқдордаги алкоголь маҳсулотини истеъмол қилганидан кейин пайдо бўлади ва одатда, дастлабки уч соат давом этади, унинг учун нутқ фаоллигининг ошиши, ҳулқ-атворнинг экспрессивлиги (қизиққонлиги),

диққатнинг бузилиши, реакция ва фикрлаш жараёнининг секинлашуви ва ўзига юқори баҳо бериш каби аломатлар хос бўлади.

Юқоридагилар билан бирга А.В. Рагулинанинг таъкидлашича, «баъзи ҳолларда оддий мастлик ҳолати ҳам шахснинг руҳий ҳолатини издан чиқаради. Шу сабабли оддий мастлик ҳолатида жиноят содир этган ақли расо шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги ҳақида шубҳа уйғонса, комплекс суд психологик-психиатрик экспертиза ўтказиш зарурдир» [10, Б. 36].

Олимлардан фикрларидан физиологик мастлик ҳолатини аниқлашга нисбатан икки хил ёндашув мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин: 1) бундай мастлик ҳолатини ақли расоликни истисно этмаган руҳий ҳолатнинг бузилиши, деб баҳолаш; 2) уни руҳий ҳолатнинг бузилиши деб ҳисобламаслик кераклиги билан изоҳланади. Демак, ақли расоликни аниқлашнинг асосий шарти шахснинг кучли алкоголь ёки наркотик мастлик ҳолатида ўз хулқ-атвори билан ақлий имконияти ва қобилиятини баҳолашида ифодаланади. Суд-психатрия маълумотларининг гувоҳлик беришича, мастлик ҳолатида галлюцинация-алаҳсираш кечинмалари ва психомотор кўзғалишлар кузатилмайди. Физиологик мастлик ҳолатида асаб фаолияти ва ўзини ўзи бошқаришни тўхтатиш жараёнини таъминлайдиган фаолият заифлашади. Бироқ бундай ҳолатдаги шахсда атрофдагилар билан алоқага киришиш қобилияти сақланиб қолади ва унинг ҳаракатлари мотивлашган хусусият касб этади. Оддий физиологик мастлик аста-секин юз беради.

Шахс алкоголь истеъмол қилиш ақл-хушига таъсир қилишини, руҳий ҳолатини издан чиқаришини, ҳаракатларини назорат қилишни сустрлашини ва унинг бошқа салбий оқибатларини англайди. Шахс алкоголь маҳсулотини истеъмол қилишни давом эттириб, ўз иродаси билан ўзини кучли мастлик ҳолатига келтиради. Аммо мазкур ҳолатда руҳий жараён бузилса-да, унинг иродасини издан чиқарадиган даражада касаллик ҳолатини келтириб чиқармайди.

Мастлик ҳолатида ақли расоликни истисно этмаган тарзда руҳий ҳолатнинг бузилиши рўй беради. Сабаби мастлик ҳолатида шахснинг қилаётган ҳаракатларини англаш ва ўзини идора этиш қобилияти пасаяди. Бунинг ўзи инсоннинг руҳий ҳолатини бузилишига олиб келади. Бироқ уларда руҳий ҳолат ўз фаолиятини тўлиқ йўқотмайди, улар қайсидир даражада нима қилаётганлигини тушунади ва ўз ҳаракатларини бошқара олади.

Мастлик ҳолати шахснинг ҳиссий ва иродавий соҳаларида тегишли нуқсонларни келтириб чиқаради, интеллектуал жараёнларга таъсир қилади ҳамда ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларини баҳолаш ва уларни онгли равишда бошқариш қобилиятини пасайтиради. Бироқ бундай ҳолатда шахс ўзини идора қилиш қобилиятини тўлиқ равишда йўқотмайди.

Албатта, нормал ҳолатда бўлган шахс ўз хатти-ҳаракатларининг салбий хусусиятларини, масалан, тажовузкорлик ва жаҳлдорликдан ўзини тийиб туриши мумкин, лекин мастлик ҳолатида мазкур шахс ўз хатти-ҳаракати устидан назоратни қисман йўқотади, унинг тажовузкорлик даражаси ошади, бу эса ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Худди шу шахс мастлик ва хушёрлик ҳолатида ўзини турлича тутади. Бироқ физиологик мастлик ҳолати вақтинчалик бўлиб, муайян вақт ўтиши билан шахсда хушёрлик аломатлари ва ўзининг хатти-ҳаракатини бошқариш қобилияти тикланади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, физиологик мастлик ҳолатида бўлган шахс ақли расо ҳисобланади.

Шундай қилиб, Жиноят кодексининг 19-моддасида назарда тутилган ҳолат (*мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жавобгарлик*) ушбу Кодекснинг 18<sup>1</sup>-моддасида белгиланган ҳолатга (*ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахснинг жавобгарлиги*) нисбатан махсус норма ҳисобланади. *Шунинг учун мастлик ҳолатида шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини тўлиқ даражада англай олмаганлик ёки уларни бошқара олмаганлик ҳолатлари аниқланган ҳолатлар Жиноят кодексининг 19-моддаси доирасида кўриб чиқиши керак.* Шунингдек, мастлик ҳолатига тўғри ҳуқуқий баҳо берилишини таъминлаш, бу борада хатоликларга йўл қўймаслик учун қонунчиликда ҳар бир ҳолатда суд-психиатрик экспертизасини мажбурий равишда тайинланиши шарт қилиб белгиланиши керак.

Яна шуни таъкидлаш керакки, бир қатор тадқиқотларда мастликнинг алоҳида ҳолатлари жавобгарликни енгиллаштирувчи омили сифатида баҳоланиши, шу билан бирга, агар шахс онгли ҳаракатлари билан ўзини мастлик ҳолатига келтирса, жавобгарликни оғирлаштириши кераклиги ҳақидаги фикрлар билдирилган [6, Б.73]. [11, Б.138], [15, Б.122]. Масалан, бу борада И.Б.Бойконинг таъкидлашича, мастлик ҳолатида жиноят содир этиш жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида кўрсатилмасда, унинг муайян ҳолатлари жазони енгиллаштирувчи омили сифатида ҳисобга олинishi керак [4, Б.78]. Айни пайтда муаллиф мастликнинг шахсга унинг ихтиёрисиз равишда юзага келган ҳолатини жавобгарликни енгиллаштирилиши лозимлигини тавсия этади.

Мазкур масалада, бизнингча, тўғрироқ бўлган фикрни М.Б. Кострова таъкидлаб ўтган. Хусусан, у мастлик ҳолатида жиноят содир этишнинг ҳамда маст ҳолдаги шахснинг ижтимоий хавфи юқорилигини алоҳида таъкидлаб, унга қарши курашнинг қатъий ҳуқуқий чораларини белгилаш лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, мастлик ҳолатида жиноят содир этиш жиноят қонунида оғирлаштирувчи ҳолатларга киритилган бўлса-да, ҳуқуқни қўллаш

амалиётида ушбу қондани самарали қўллаш механизмлари мавжуд эмас. Чунки унда *биринчидан*, жазо тайинлашда шахснинг мастлик ҳолатида жиноят содир этиш фактини ва унинг шахсни тавсифловчи белгиларини инобатга олиш имконияти чекланади ва *иккинчидан*, мазкур қоида судларнинг дискрацион ваколатига тааллуқли ҳисобланади. Чунки қонун талабига кўра, судлар мастлик ҳолатини оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши ёки топмаслиги ҳам мумкин. Бу эса ўз навбатида мазкур масалаларни кўриб чиқишнинг коррупцион ҳолатига сабаб бўлади. Шу боисдан, бу билан кутилган ва самарали натижаларга эришиш имконияти ўз долзарблигини йўқотади [11, Б. 147-148].

Юридик адабиётларда мастлик ҳолатини ҳуқуқий баҳоланиши ва унинг жинойи жавобгарликка таъсири баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган масалалардан бири ҳисобланади. Албатта, мастликнинг турли ҳолатлари ва даражалари мавжуд бўлиб, улар шахснинг жисмоний ва руҳий ҳолатига турлича таъсир қилади. Масалан, патологик мастлик, мастликнинг алоҳида тури ҳисобланиб, у руҳий фаолиятнинг бузилишига олиб келади ва ақли расоликни истисно қилади [5, Б.147]. Шубҳасиз, мастликни ушбу шаклида ҳал қилувчи омил алкоголь ёки ақл-идрокка таъсир қилувчи воситаларни истеъмол қилишнинг миқдори эмас, балки шахснинг воқеъликни англаш қобилиятини ифодаловчи руҳий ҳолатининг бузилишида ҳисобланади. Чунки, патологик мастлик ҳолатида содир этилган ҳар қандай қилмиш, жиноят деб баҳоланмаслик керак, чунки бундай субъектлар ақли норасо деб топилади. Аммо, айти пайтда, амалдаги жиноят қонунида, патологик мастлик ҳолатини ақли норасо деб баҳолаш лозимлигини белгиловчи қоида ўз ифодасини топмаган. Шу сабабли ҳам мазкур масала, фикримизча, қонунчилик даражасида ҳал қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, мастлик ҳолати қилмиш ва шахснинг ижтимоий хавфлилигини оширади. Бинобарин, мастлик ҳолати шахснинг асаб ва мия тизимининг нормал фаолиятини бузади. Маст ҳолдаги шахсда ўзини ўзи назорат қилиш функцияси йўқола бошлайди ва одатда, маст ҳолатда бўлган шахс ижтимоий муносабатларга хушёр ҳолатдан кўра, амалда кўпроқ зарар етказиши мумкин. Аммо, мамлакатимизда бугунги кунда алкоголизм ва норкоманияга қарши курашишда, асосан, алкоголь маҳсулотларининг савдоси ва истеъмол қилинишини чекловчи ёки тақиқловчи чоралар асосида курашмоқда. Бироқ, унга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларига етарлича аҳамият берилмаган.

Шу сабабли ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётида мастлик ҳолатида содир этилган жиноятларга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ҳам унга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини янада такомиллаштириш мақсадида ҳамда бу борадаги ҳорижий тажрибани инобатга олиб, Жиноят кодексининг

19-моддасини қуйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ:

**19-модда. Мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жавобгарлик.**

*Жиноят содир этиши вақтида шахснинг алкоголь маҳсулоти, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиши ёки улар таъсирида организмнинг психофизиологик функциясининг бузилиши, мастлик ҳолати деб топилади.*

*Мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди.*

*Ижтимоий хавфли қилмишни содир этиши вақтида патологик мастлик ҳолатида бўлган шахс, агарда ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган бўлса, жавобгарликка тортилмайди.*

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1-сон қарорини қуйидаги мазмундаги 11<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилиши лозим.

*11<sup>1</sup>. Судлар мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ҳамда шахснинг хусусияти ва унинг мастлик даражасини ҳисобга олади.*

*Тушунтирилсинки, алкоголь мастликнинг енгил, ўрта ва оғир даражалари фарқланади.*

*Алкоголь маҳсулотининг қондаги концентрацияси 0,5дан 1,5гача промилле ёки шахсдан чиқарилган ҳаводаги этанол буглари концентрацияси кўрсаткичи 0,15дан 0,3гача миллиграмм миқдорда аниқланган бўлса, бундай ҳолат енгил даражадаги мастлик ҳолати деб топилади.*

*Алкоголь маҳсулотининг қондаги концентрацияси 1,5дан 3,0гача промилле ва ундан ортиқ бўлса ёки шахсдан чиқарилган ҳаводаги этанол буглари концентрацияси кўрсаткичи 0,3дан 0,5гача миллиграмм миқдорда аниқланса, бундай ҳолат ўрта даражадаги мастлик ҳолати деб топилади.*

*Алкоголь маҳсулотининг қондаги концентрацияси 3,0 промилле ва ундан ортиқ бўлса ёки шахсдан чиқарилган ҳаводаги этанол буглари концентрацияси кўрсаткичи 0,5 миллиграмм ва ундан ортиқ миқдорда аниқланса, бундай ҳолат оғир мастлик ҳолати деб топилади.*

*Инсон организмида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни мавжудлиги мастлик ҳолатини келтириб чиқаради. Ўз навбатида бундай ҳолат мастликнинг оғир даражасини ифода этади.*

*Эътибор берилмоғи лозимки, агар шахс алкоголь маҳсулотини гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-иродага*

таъсир этувчи бошқа моддаларни ихтиёрий равишда истеъмол қилиши натижасида жиноят содир этган бўлса, бундай мастлик жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади.

Агар шахс бундай ҳолатга жисмоний ёки руҳий мажбурлаш оқибатида келган бўлса, ундай ҳолда мазкур вазият жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб қаралмаслиги лозим. Шу боисдан, судлар ҳар бир вазиятда «мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиши»ни жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолашда жиноят содир этган шахснинг мастлик ҳолатига қандай шароитда келганлигига аниқлик киритиши лозим.

Судлар мастлик ҳолатида содир этилган жиноятни жазонинг оғирлаштирувчи ҳолати деб топганда, жазонинг муддати ёки миқдорини Жиноят кодекси Махсус қисмининг ижтимоий хавфли қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазонинг ярмидан кам бўлмаслигига аҳамият бермоғи лозим.

Маълумки, қонун чиқарувчи, ўз навбатида, ҳар қандай усулда аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган алкоголь маҳсулотларнинг аҳоли ўртасидаги муомалага чиқариш фоизини ушбу маҳсулотларни сотиш вақтини ва сотиб олиш ёшини чеклаш билан камайтиришга ҳаракат қилади ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилишни тақиқловчи аниқ императив позицияга эга, бундан ташқари, ушбу ҳодисани мамлакат аҳолиси ва одамлари ўртасида йўқ қилиш бўйича доимий ишлар олиб борилади.

Амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмида аниқ жиноий қилмишларни мастлик ҳолатида содир этилиши жиноят таркибининг оғирлаштирувчи ёки алоҳида алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатлари сифатида кўрсатилмаган. Мазкур турдаги жиноятларга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида мастлик ҳолатида жиноят содир этиш ҳолатини Жиноят кодексининг қасддан одам ўлдириши, қасддан баданга оғир шикаст етказиши, қасддан баданга ўртача оғирликда шикаст етказиши, қийнаш, хавф остида қолдириши, номусга тегиши, жинсий эҳтиёжни гайри-табиий усулда қондириши, мулкни қасддан нобуд қилиши, темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириши, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиши ёки эгаллаб олиши, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши, транспорт воситасини олиб қочиши, безорилик каби жиноятларнинг оғирлаштирувчи таркиблари сифатида назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/86044>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги ЎРҚ-302-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/1880029>.
3. Баротов Ш.Р. Психологик хизмат. Магистрлар учун дарслик. – Т.: Наврўз нашриёти. 2018. – 346 б.
4. Бойко И.Б. Алкогольное опьянение как обстоятельство, смягчающее наказание // Вестник юридического факультета Коломенского института (филиала) ФГБОУ ВПО «Московский государственный машиностроительный университет (МАМИ)». – 2013. – № 5. – С. 75-78.
5. Брылева А.С. Уголовная ответственность лиц, совершивших преступление в состоянии опьянения // [Международный журнал гуманитарных и естественных наук](#). – 2019. – № 1-2. – С. 145-152.
6. Вторушина Ю.С. Состояние опьянения в системе норм общей и особенной частей УК РФ // Сибирский юридический вестник. – 2018. – №2 (81). – С.71-75.
7. Гребеньков А.А. Уголовная ответственность лиц, совершивших преступление в состоянии опьянения. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2009. – 52 с.
8. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри / Ш.Т. Икрамов, Р. Кабулов, А. Отажонов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 1098 б.
9. Ибодуллаев З.Р. Асаб ва руҳият. Илмий-оммабоп рисола. 3-нашр. – Т.: Zamin nashr, 2018. – Б. 179-185.
10. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Отв. ред. Рарог А.И. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 648 с.
11. Кострова М.Б. Парадоксы российской уголовной политики усиления ответственности лиц, совершивших преступление в состоянии опьянения // Lex Russica. – 2017. – №7 (128). – С. 137-150.
12. Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть: Курс лекций. 2-е из., перераб. и доп. – М.: БЕК, 2000. – 572 с.
13. Российское уголовное право в 2 т. Т. 1. Учебник / Под ред. А.И. Рарога. – М., 2003. – 712 с. 14. Рустамбаев М.Х., Отажонов А.А. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Миллия гвардия Ҳарбий-техник институти, 2018. – 648 б.

14. Рустамбаев М.Х., Отажонов А.А. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Миллия гвардия Ҳарбий-техник институти, 2018. – 648 б.
15. Семенцова И.А. Особенности уголовной ответственности лиц, совершивших преступление в состоянии опьянения // Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Общественные науки. –2014. – №6. – С. 122-126.
16. Kühl K. Die Bedeutung der Rechtsphilosophie für das Strafrecht. Baden-Baden Nomos, 2001. – 815 p.
17. Уголовное право Российской Федерации: Учебник / Под ред. Л.В. Иногамовой - Хегай. Т. 1. Общая часть. – М.: Инфра - М, 2002. – 486 с.
18. Шищенко Е.А., Самсоненко Ю.А. Уголовная ответственность лиц, совершивших преступление в состоянии опьянения // Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. – 2017. – № 129 (05). – С. 4-12.
19. Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 1-1006-1802/138-сон жиноят иши материаллари.
20. Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 1-1006-1803/150-сон жиноят иши материаллари.